

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ТАШИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТРАНСПОРТ  
ЛОГИСТИКАСИ”**

**йўналиши**

**“ЙЎЛОВЧИЛАРИНИ ТАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ”  
модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент 2019**

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

**Тузувчи:** ТАЙЛҚЭИ, т. ф.н., доцент А. Назаров

**Такризчи:** ТАЙЛҚЭИ, т. ф.н., доцент С. Қ. Худойберганов

Ўқув-услугий мажмуа Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2019 йил 24 сентябрдаги 1-сонли қарори билан фойдаланишга тавсия қилинган.

## МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур.....	4
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	10
III. Назарий машғулот материаллари.....	15
IV. Амалий машғулот материаллари.....	48
V. Кейслар банки.....	54
VI. Глоссарий.....	58
VII. Адабиётлар рўйхати.....	67

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни газ билан, ёйли дастакли, химоя газ муҳитида, флюс остида, электр-шлакли, электрон-нурли ва лазерли пайвандлаш жараёнларининг замонавий аҳволи ва ривожлантиришнинг истиқболлари, эритиб пайвандлашда кенг тарқалган технологиялари, ишлатиладиган жиҳозлари, ускуналари бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ушбу дастурда газ билан, ёйли дастакли, химоя газ муҳитида, флюс остида, электр-шлакли, электрон-нурли ва лазерли пайвандлашда кенг тарқалган технологиялари, ишлатиладиган жиҳозлари, ускуналари масалаларининг назарий ва амалий асосларини ўрганишни ўзида қамраб олган.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**Модулининг мақсади:** Тингловчиларга йўловчиларни ташишни ташкил этиш бўйича касбий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришдан иборат.

### Модулининг вазифаси:

- автомобиль транспортида йўловчиларни ташишнинг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти бўйича маълумотлар бериш ;
- автотранспорт воситаларидан фойдаланиш шароитларини аниқлаш;
- автотранспорт воситалари иш кўрсаткичларини ҳисоблаш;
- автотранспорт воситаларини танлаш ва улардан самарали фойдаланиш;
- автомобиль транспортининг асосий иш кўрсаткичлари ва уларни яхшилаш;

-соҳадаги мавжуд асосий ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар тайёрланаётган кенг қамровли мутахассисга автомобилларда йўловчи ташиш ва уни ташкил этиш соҳасида автомобиллардан юқори даражада фойдаланиш, уларнинг атроф муҳитга таъсирини камайтириш муаммолари ҳақида назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш, уларда фанга, ўз касбига қизиқишни орттириш каби сифатларни шакллантиришдан иборат.

## **II. Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар**

**Кутилаётган натижалар:** Тингловчилар “Йўловчиларни ташишни ташкил этиш” модулини ўзлаштириш орқали қуйидаги билим, кўникма ва малакага эга бўладилар:

### ***Тингловчи:***

- автомобиль транспортида йўловчиларни ташишнинг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти;

- соҳадаги давлат сиёсати ҳамда уларнинг мамлакатимиз ва жаҳонда ривожланиш тенденцияси ва истиқболлари;

- автотранспорт воситалари ва ташишни ташкил этиш бўйича асосий тушунчалар;

- соҳадаги мавжуд асосий ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар бўйича **билимларга эга бўлади.**

### ***Тингловчи:***

- аҳолининг ташишга бўлган талабларини ўз вақтида қондириш;

- автотранспорт воситаларидан фойдаланишни такомиллаштириш;

- автотранспорт воситалари иш унумдорлигини ошириш;

- автокорхона фаолияти, хизмат кўрсатиш сифати ва унинг рақобатбардошлилигини иқтисодий баҳолаш бўйича **кўникмаларга эга бўлади**

### ***Тингловчи:***

- соҳадаги чет эл ва мамлакатдаги илмий-техник тараққиёт ҳақидаги маълумотни тизимлаштириш;

- автотранспорт воситаларидан фойдаланиш шароитларини аниқлаш;

- автотранспорт воситалари иш кўрсаткичларини ҳисоблаш;

- автотранспорт воситаларини танлаш ва улардан самарали фойдаланиш;

- автомобиль транспортининг асосий иш кўрсаткичлари ва уларни яхшилаш;

- йўловчилар ташишни ташкил этиш тизимлари ва автомобиллар ҳаракатини ташкил этиш тўғрисида аниқ **малакаларга эга бўлади.**



	ташкил этиш.						
3.	Автомобиль транспортида йўловчилар ва бағажни ташиш. Автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш. Йўловчилар автовокзаллари ва автостанциялари,	6	6		2	4	
	<b>Жами:</b>	<b>14</b>	<b>14</b>	<b>4</b>	<b>6</b>	<b>4</b>	

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Ўзбекистон йўловчи автомобиль транспорти.**

#### **Йўналишлар тизими.**

Автомобил транспортидаги иқтисодий ислохотлар. Ўзбекистон йўловчи транспорти ва ривожлантириш масалалари. Автомобил транспортида тадбиркорлик фаолиятини лицензиялаш тартиби. Тадбиркорлик фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар. Йўловчиларни ташувчи умумфойдаланиш автомобиль транспорти. Йўловчи автомобиль транспорти воситалари таснифи. Автобуслар ва енгил автомобиллар кузовлар тузилишига қўйиладиган талаблар. йўловчи транспорт воситалари гуруҳлари. Йўналишлар тармоғи кўрсаткичлари. Шаҳар транспорт тармоғига қўйиладиган талаблар. Автобус йўналишлари таснифи. Автобус йўналишларини танлаш ва асослаш. Йўналишларда йўловчиларни ташиш учун очиқ тендерлар ташкил этиш.

### **2-мавзу: Йўловчилар оқими ва уни ўрганиш усуллари. Автобуслар ишининг техник-эксплуатацион кўрсаткичлари ва автобусларнинг линиядаги ишини ташкил этиш.**

Йўловчилар оқими. Йўловчилар оқимини сутка соатлари, ҳафта кунлари, ойлар, йил фасллари, йиллар, перегонлар бўйича ўзгариши. Йўловчилар оқимини ўрганишнинг анкета, талон, чипта, кўз билан чамалаш, сўров усуллари. Автомобиллар рўйхатдаги сони. Автомобил саройининг техник тайёргарлик коэффициенти. Автомобил саройидан фойдаланиш коэффициенти. Ўртача кунлик масофа. Босиб ўтилган йўлдан фойдаланиш коэффициенти. Автобуснинг сифими. Автобус сифимидан фойдаланиш коэффициенти. Ўртача кунлик босиб ўтилган масофа. Босиб ўтилган масофадан фойдаланиш коэффициенти. Автобуслар сифими. Автобус сифимидан фойдаланиш коэффициенти. Автобусларнинг ишдаги ва маршрутдаги вақтлари. Йўловчининг ўртача қатнов масофаси. Йўловчилар алмашув коэффициенти. автобусларнинг ҳаракат тезликлари. автобуслар ҳаракати интервали ва частотаси, маршрутда ишловчи зарур автобуслар сони ҳисоби. автобус унумдорлиги. Автобуслар ҳаракат тезликлари ва уларни

меъёрлаш. Ҳайдовчилар ва чиптачилар меҳнاتини ташкил этиш. Автобуслар ҳаракат жадвали ва уларни тузиш усуллари. Автобуслар ҳаракати “тиғиз” вақтларда шаҳар ичи йўналишларида ташишни ташкил этиш. Шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда ташишни ташкил этиш.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУСИ**

**1-амалий машғулот:** Йўловчилар оқими ва уни ўрганиш усуллари.

Автобуслар ишининг техник-эксплуатацион кўрсаткичлари ва автобусларнинг линиядаги ишини ташкил этиш.

Автобусларнинг иш кўрсаткичлари. Автобус сифимидан фойдаланиш даражаси. Маршрутда ишловчи автобуслар сони. Автобуслар ҳаракатини интервали, частотаси. Маршрутда ишловчи автобусларнинг кунлик айланишлари сони ва бир айланиш вақти. Шаҳарлараро ва халқаро ташишларларда автобусларнинг иш кўрсаткичлари. Шаҳарлараро ва халқаро ташишларда автобусларда кунлик ташилган йўловчилар сони. Шаҳарлараро ва халқаро ташишларда автобуслар ҳаракати интервали, частотаси. Шаҳарлараро ва халқаро ташишларда автобусларнинг кунлик айланишлари сони ва бир айланиш вақти.

**2-амалий машғулот:** Автобуслар ишининг техник-эксплуатацион кўрсаткичлари ва автобусларнинг линиядаги ишини ташкил этиш

**Автобуслар ишининг техник- эксплуатацион кўрсаткичлари ва автобусларнинг линиядаги ишини ташкил этиш.**

Автобуслар ишининг техник-эксплуатацион кўрсаткичлари. Автобусларнинг линиядаги ишини ташкил этиш. Автобуслар ишининг техник- эксплуатацион кўрсаткичлари. Автобусларнинг линиядаги ишини ташкил этиш.

**3-амалий машғулот:** Автомобиль транспортида йўловчилар ва бағажни ташиш. Автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш. Йўловчилар автовокзаллари ва автостанциялари

Автомобиль транспортида йўловчилар ва бағажни ташиш. Автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш. Йўловчилар автовокзаллари ва автостанциялари.

### **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ.**

**Мавзу:** Автомобиль транспортида йўловчилар ва бағажни ташиш. Автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш. Йўловчилар автовокзаллари ва автостанциялари

Кўчма машғулотда тингловчиларни “И.В. Стрельцов номли 1-сонли автосозлаш” заводига олиб бориш режалаштирилган.



## **Таълимни ташкил этиш шакллари**

Таълимни ташкил этиш шакллари аниқ ўқув материали мазмуни устида ишлаётганда ўқитувчини тингловчилар билан ўзаро ҳаракатини тартиблаштиришни, йўлга қўйишни, тизимга келтиришни назарда тутати.

Модулни ўқитиш жараёнида қуйидаги таълимнинг ташкил этиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъруза;
- амалий машғулот;
- мустақил таълим.

Ўқув ишини ташкил этиш усулига кўра:

- жамоавий;
- гуруҳли (кичик гуруҳларда, жуфтликда);
- якка тартибда.

**Жамоавий ишлаш** – Бунда ўқитувчи гуруҳларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув мақсадига эришиш учун ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

**Гуруҳларда ишлаш** – бу ўқув топшириғини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гуруҳларда ишлашда (2 тадан – 8 тагача иштирокчи) фаол роль ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Ўқитиш методига кўра гуруҳни кичик гуруҳларга, жуфтликларга ва гуруҳларора шаклга бўлиш мумкин. *Бир турдаги гуруҳли иш* ўқув гуруҳлари учун бир турдаги топшириқ бажаришни назарда тутати. *Табақалашган гуруҳли иш* гуруҳларда турли топшириқларни бажаришни назарда тутати.

**Якка тартибдаги шаклда** - ҳар бир таълим оловчига алоҳида-алоҳида мустақил вазифалар берилади, вазифанинг бажарилиши назорат қилинади.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

<b>S – (strength)</b>	• кучли томонлари
<b>W – (weakness)</b>	• заиф, кучсиз томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	• имкониятлари
<b>T – (threat)</b>	• тўсиқлар

**Намуна:** Мобил қурилмалар учун Андроид операцион тизимининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	Ташиш жараёнида логистик усуллардан фойдаланишнинг кучли томонлари	Маҳсулотларни истеъмолчига етказиб беришнинг оптимал ташкил этилиши...
<b>W</b>	Ташиш жараёнида логистик усуллардан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Кам миқдорда маҳсулотлар ташишда тайёргарлик жараёнини узок давом этиши...
<b>O</b>	Ташиш жараёнида логистик усуллардан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Маҳсулотларни истеъмолчига ўз вақтида, кепаркли миқдорда, энг кам сарф харажатлар билан етказиб бериш....
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	Логистик марказларнинг кенг миқёсда тарқлмаганлиги...

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - англизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ходиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде кўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллариини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллариини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда кўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

**Кейс.** Маълум бир вақт оралиғида Логистик марказга олиб келинган юкларнинг хажми марказдаги омборларда сиғимидан катта экан. Шу боисдан

юкларни сақлаш бўйича муаммо вужудга келди.

### Кейси бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Юкларни қайси қисмларини омборларга жойлаштириш, қайси қисмини истеъмолчиларга жўнатиш муаммосини ҳал қилинг (жуфтликларда).

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли

ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна.**

**Фикр:** “Логистик тизим – материал ва унга ҳамроҳ бошқа оқимларни бошқарувчи ва бозор иқтисодиёти шароитида ўзининг иқтисодий-ташкилий мақсад ва механизмларига мувофиқ фаолият кўрсатувчи мураккаб ташкилий-технологик тузилмадир.”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

**“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб

берилади ва машғулот якунланади.

### **Венн Диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

### III. НАЗАРИЙ ТАЪЛИМ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-мавзу: Ўзбекистон йўловчи автомобиль транспорти. Йўналишлар тизими

##### Режа:

1. Ўзбекистон йўловчи автомобиль транспорти.
2. Йўловчи автомобиль транспорти воситалари.
3. Йўналишлар тизими.

**Таянч иборалар:** Автомобиль транспортидаги иқтисодий ислохотлар. Ўзбекистон йўловчи транспорти ва ривожлантириш масалалари. Автомобил транспортида тадбиркорлик фаолиятини лицензиялаш тартиби. Тадбиркорлик фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар. Йўловчиларни ташувчи умумфойдаланиш автомобиль транспорти. Йўловчи автомобил транспорти воситалари таснифи. Автобуслар ва енгил автомобиллар кузовлар тузилишига қўйиладиган талаблар. йўловчи транспорт воситалари гуруҳлари. Йўналишлар тармоғи кўрсаткичлари. Шаҳар транспорт тармоғига қўйиладиган талаблар. Автобус йўналишлари таснифи. Автобус йўналишларини танлаш ва асослаш. Йўналишларда йўловчиларни ташиш учун очиқ тендерлар ташкил этиш.

##### 1.1. Ўзбекистон йўловчи автомобиль транспорти.

###### Автомобиль транспортидаги иқтисодий ислохотлар

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва янгилари ишлаб чиқилмоқда ва мавжуд қонунлар давр талабларидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштирилиб борилмоқда. Бундай қонунларга бозор ҳўжалигини яратиш ва ривожлантиришга қаратилган мулкчилик, ер, тадбиркорлик фаолияти, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш. ижара, банк тизими ҳақидаги ва бошқа кўпгина қонунларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Автомобиль транспорти соҳасида ҳам иқтисодий ўзгаришлар "Ўзбек модели" асосида эволюцион йўл билан амалга оширилаяпти. Бундай ислохотларга мисол қилиб ислохотлар тараққиётининг биринчи босқичида Ўзбекистан Автомобил транспорти вазирлигининг тугатилиши ва уни негизида "Узавтотранс" давлат акциядорлик корпорациясининг тузилиши, кейинги босқичда эса бу корпорациянинг ҳам тугатилиши ва бошқарув ваколатлари маҳаллий ҳокимият органларига юклатилиши, хусусий мулк сифатида юк Автомобиллари ва автобусларнинг пайдо бўлиши, ташиш бўйича тадбиркорлик билан шуғулланиш учун жисмоний шахсларга ҳам рухсат берилиши ва ниҳоят, йўловчилар ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўловчиларни ташиш бўйича тадбиркорлик билан шуғулланишга рухсат фақат юридик шахсларга берилганини кўрсатиб ўтиш

мумкин. Бугунги кунда республикада акциядорлик жамиятлари билан бир каторда 3500 тадан ортиқ кичик масъулияти чекланган жамиятлар кўринишидаги хусусий автотранспорт корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

### **Ўзбекистон йўловчи транспорти ва ривожлантириш масалалари**

Тарихга назар солсак, биринчи автобуслар Тошкентда 1909 йил декабр ойида пайдо бўлди. Немис ва француз саноатига тегишли 10 дана 8 ўринли автобуслар (Кўйлик-Никольск посёлкаси, Никольск-Соборная майдони (ҳозирги Мустақиллик майдони), Вокзал-Якшанба бозори (ҳозирги Шимолий вокзал – А. Навоий майдони яқини) йўналишларида қатнай бошлади.

1924 йилни эса Ўзбекистонда автобусларда йўловчилар ташишнинг бошланиш даври деб ҳисоблаш мумкин. 1924 йили Тошкент шаҳрида биринчи марта 1-сонли автобаза ташкил этилди. 1-автобазада Рено, Форд, Мерседес, Оппель, Студбеккер каби ҳар қил русумдаги Автомобиллардан ташкил топган эди. 1927 й. Ўзбекистонда 183 дана энгил Автомобил ва 80 дана автобус мавжуд эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин аҳолининг йўловчи ташувчи транспорт хизматига бўлган эҳтиёжи янада ошиб кетди. Бу эса, ўз навбатида, транспорт соҳасида янги муаммоларни келтириб чиқарди. Булардан энг асосийларига жисмонан ва маънавий эскирган транспорт воситаларининг замонавий талабларга жавоб бера оладиган янгилари билан алмаштириш, ташиш жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда эски, шу давргача қўлланиб келинган усуллардан тубдан фарқ қилувчи ва бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи усулларни яратиш эди. Хусусан, автотранспорт соҳасида юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир қанча ишларни амалга оширди ва ошириб келаяпти.

Бундай ишларга, аввало Республикамизда Автомобилсозлик саноатини яратиш борасида амалга оширилган ишларни кўрсатиш мумкин. ЎзР ҳукумати Автомобилсозликни ривожлантириш, Автомобиль йўллари ва транспорти, шаҳар транспорти, йўл ҳаракати хавфсизлиги, шаҳар транспортдан бепул фойдаланиш тўғрисидаги Қонунлар, бир қанча қарорлар қабул қилди ва улар асосида шаҳар йўловчи транспортини ривожлантириш концепциялари ва бир қанча низомлар ишлаб чиқилди. 1992 йил 9 июлда қабул қилинган «Автомобил йўллари тўғрисида»ги Қонунни ЎзР Автомобиль йўллари ни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берган биринчи Қонун деб ҳисоблаш мумкин. Қонунда йўл тармоғини ривожлантириш, лойиҳалаш ва қайта қуриш, Автомобиль йўлларида фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари каби масалаларга алоҳида ўринажратилган.



Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль транспорти тўғрисида» ги қонуни 1998 йил 29 августда қабул қилиниб, у 31 моддадан ташкил топган. Қонунда Автомобиль транспорти тўғрисидаги тушунча ва қонун ҳужжатлари, мулк шакллари, автотранспорт воситаларини таснифлаш, ташиш турлари, ташувчилар ва мижозларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, хавфсизликни таъминлаш каби меъёрлар баён этилган.

«Шаҳар йўловчи транспорти тўғрисида»ги 1997 йил 25 апрелда ЎЗР қонуни қабул қилинган бўлиб, жами 27 моддадан ташкил топган. Бу қонунда шаҳар йўловчи транспорти турлари, шаҳар йўловчи транспортга эгалик шакллари, йўналишларни белгилаш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида аниқ кўрсатмалар берилган. Аҳолига транспорт хизматини кўрсатиш сифатини баҳолашда асосий кўрсаткичлардан бири саналган йўл ҳаракати хавфсизлиги кўрсаткичи ва у билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар ЎЗР 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунда ўз аксини топган.

2010 й.1 январ ҳолатига кўра, Республикада 3335 та йўловчи йўналишлари фаолият кўрсатмоқда. Улардан 1035 таси шаҳар, 1728 таси шаҳар атрофи, 329 таси шаҳарлараро-вилоят ичи ва 243 таси шаҳарлараро-вилоятлараро йўналишлардир. Буларда йўловчиларни ташиш учун лицензияга эга бўлган корхоналар фаолият кўрсатаяптилар.Йўналишлар тармоқларининг умумий узунлиги 149958,5 км ни ташкил этади.

ЎЗР Президентининг 2007 йил 21 майдаги "ЎЗР 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оидкўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 640-сонли қарори қабул қилиниб, унда йўловчилар ташиш йўналишлари тизимини ривожлантириш белгилаб берилган.

Шаҳарда ташилаётган йўловчиларнинг 60% дан кўпроги "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси корхоналари томонидан ташилаяпти. 2011 йил 1 апрелига кўра, Тошкент шаҳрида мавжуд йўналишлар сони 185 та бўлиб, улардаги жадваллар сони 1614 тани ташкил этади. Шулардан йўналишли таксилар 49та йўналишда 372 та жадвал бўйича, автобуслар 136 та йўналишда 1242 та, трамвайлар 4 та йўналишда 64 та жадвал асосида йўловчиларни ташиш билан шуғулланаяпти.

### **Автомобиль транспортида тадбиркорлик фаолиятини лицензиялаш тартиби**

«Лицензия» - лотинча сўз бўлиб, рухсатнома маъносини ангалатади. Барча турдаги хўжалик юритувчи субъектлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун улар давлат томонидан берилган махсус рухсатномага, яъни лицензияга эга бўлишлари керак. Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартиби кўпгина давлатларнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини лицензиялаш тартиби ЎзР 2000 йил 25 майдаги №71-11 сонли «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунида белгилаб қўйилган.

Ушбу қонун 4 боб ва 27 моддадан иборат бўлиб, унинг 3-моддаси «Асосий тушунчалар» деб аталади ва унда қуйидаги атамаларга тушунчалар берилган:

- лицензия – лицензияловчи орган томонидан юридик ёки жисмоний шахсга берилган, лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилган ҳолда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун рухсатнома (ҳуқуқ);

- фаолиятнинг лицензияланаётган тури – ЎзР ҳудудида амалга оширилиши учун лицензия олиш талаб қилинадиган фаолият тури;

- лицензиялаш - лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш ва кўриб чиқиш, лицензияни қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилинишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш жараёни билан боғлиқ тадбирлар комплекси;

- лицензия талаблари ва шартлари - фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошираётганда лицензиат томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ва шартларнинг мажмуи;

-лицензияловчи органлар - қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялашни амалга оширувчи махсус ваколатли органлар;

-лицензия даъвогари - лицензияловчи органга фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензия бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган юридик ёки жисмоний шахс;

-лицензиат - фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахс;

-лицензия шартномаси - фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензиатнинг лицензия олиши ва ундан фойдаланиши борасидаги лицензияловчи орган билан лицензия даъвогари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган ва улар ўртасида тузиладиган шартнома;

-лицензиялар реестри - берилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган лицензиялар, шунингдек амал қилиши тугатилган лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган лицензияловчи органларнинг маълумотлар базаси мажмуи.

Лицензиялар Қонуннинг 3-боби 10-моддасига кўра намунавий (оддий) ва яқка тартибдаги турларга булинади.

Намунавий (оддий) лицензиялар жумласига чекланмаган доирадаги юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган лицензиялар киради.

Яқка тартибдаги лицензиялар жумласига юридик ва жисмоний шахсларга алоҳида талаблар ва шартлар асосида бериладиган, лицензияларга фаолиятнинг мазкур турини амалга оширишда мутлақ ҳуқуқлар берувчи, миқдорий чекланган лицензиялар киради. Лицензияларни бериш тартиби ва

шартлари, шу жумладан, танловларни (тендерларни) ўтказиш шартлари Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Тошкент шаҳрида Автомобиль транспортида йўловчилар ташишни амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш ваколати Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 июлда тасдиқланган "Автомобил транспортида йўловчиларни ва багажни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"ги НИЗОМни тасдиқлаш ҳақидаги 138-сонли қарори асосида амалга оширилади. Мазкур Низом Автомобил транспортида йўловчиларни ва багажни шаҳарда, шаҳаратрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда ташиш фаолиятини лицензиялаш тартибini белгилайди. Ушбу низомга кўра тижорат асосида амалга ошириладиган йўловчиларни ҳамда багажни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолияти лицензияланиши керак. Бунда йўловчиларни ва багажни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда ташиш фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Аҳолининг ҳаёти ва соғлигини хавф остита қўйган табиий офатлар, эпидемиялар, йирик авариялар оқибатларини тугатиш ва авария-қутқарув ва тиклаш ишларини амалга ошириш билан боғлиқ ташишларни амалга оширишга, шунингдек "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 9-моддасида назарда тутилган корхоналар ва муассасаларга (ЎзР ВМ томонидан тузилган унитар корхоналар ва муассасалар, башарти уларни ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатларда фаолиятнинг айрим турини амалга ошириш назарда тутилган бўлса) лицензия олиш талаб этилмайди. Автомобил транспортида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олиш тартибini Тошкент шаҳар автокорхоналари мисолида кўриб чиқиш мумкин.

Тошкент шаҳрида Автомобиль транспортида йўловчилар ташишни амалга оширишга лицензиялар бериш, шунингдек, қонунҳужжатларида белгиланган ҳолларда лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уларни бекор қилиш тўғрисидаги қарор Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан қабул қилинади.

Тошкент шаҳрида Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш ҳуқуқининг қуйидаги турлари учун намунавий (оддий) лицензиялар берилади:

- шаҳарда ва шаҳар атрофида автобусларда ташиш;
- шаҳарда ва шаҳар атрофида микроавтобусларда ташиш;
- шаҳарда ва шаҳар атрофида енгил Автомобилларда ташиш.

Лицензиатнинг ҳар бир автотранспорт воситасига лицензия билан биргаликда лицензия карточкалари ҳам берилади.

Лицензия карточкаларини бериш тартиби Департамент томонидан белгиланади. Лицензиат карточка билан таъминланмаган Автомобилдан

фойдаланса, олган даромади ноқонуний ҳисобланади. Лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия карточкасининг амал қилиши у берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### **Йўловчиларни ташувчи умумфойдаланиш Автомобиль транспорти**

Шаҳар аҳолисига иш жойларига, яшаш жойларига, дам олиш ва бошқа маиший талабларини қондириш жойларига қисқа вақтларда етиб боришлари учун транспорт воситалари талаб этилади.

Ташишга бўлган талаб шаҳар ҳудудининг ўлчамига, аҳолининг моддий таъминланганлиги ва маданият даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Шаҳар транспортининг энг кўп тарқалган турларига трамвай, автобус, троллейбус, енгил такси Автомобили ва метрополитен киради.

Ушбу йўловчиларни ташишга мўлжалланган транспорт воситалари куйидаги белгиларига қараба гуруҳларга бўлинади:

**Вазифасига кўра** – умумфойдаланишдаги, яқка тартибдаги фойдаланишдаги ва корхоналарга тегишли. Умумфойдаланиш транспорт воситаларига: трамвай, троллейбус, автобус, метрополитен, енгил Автомобил-такси, иккинчисига шахсий фойдаланувдаги енгил Автомобиллар, мотоцикллар, велосипед ва мопедлар, учинчисига эса корхона ва ташкилотларга қарашли автобус ва енгил Автомобиллар киради.

**Фойдаланиш характериға кўра** – олдиндан маълум йўналишларда ташишларни амалга оширувчи ва йўловчилар томонидан белгиланган йўналишларда ҳаракатланувчи (туристик, буюртмали) ҳамда енгил Автомобил-таксиларга бўлинади.

**Ташиш туриға кўра** – шаҳар ичида, шаҳар атрофида, маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро ва туристик.

Шаҳар ичида ишловчи автобуслар маълум йўналишларда йўловчиларни ташишга мўлжалланган бўлади.

Шаҳар атрофи йўналишларида ишловчи автобуслар йўловчиларни шаҳардан шаҳар атрофиға ташишга мўлжалланган.

Маҳаллий йўналишлардаги ташишлар туманлар марказлари, жамоа хўжаликлари, аҳоли яшаш жойларини бирлаштиришга мўлжалланган.

Шаҳаралараро ташишларган шаҳар ва посёлка чегарасидан 50 км дан ортиқ масофаға ташишлар киради.

Халқаро Автомобил транспорти билан йўловчиларни ташишда давлатлараро чегаралар кесиб ўтилади.

### **1.2.Йўловчи автомобиль транспорти воситалари.**

#### **Йўловчи автомобиль транспорти воситалари таснифи**

Ўзбекистон Республикасининг 29 август 1998 йилда 674-1 рақам билан қабул қилган “Автомобил транспорти тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида **автотранспорт воситаси** деганда йўловчилар, багаж, юклар ташишга ҳамда

махсус ишларни бажаришга мўлжалланган Автомобиллар, шатакчи Автомобиллар, тиркама ва ярим тиркамалар тушунишлиги қайд қилинган.

Автобус атамасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 4 ноябр 2003 йилдаги 482-қарорининг биринчи параграфидида қуйидагича таъриф берилган: **автобус** - йўловчиларни, бағажни ташишга мўлжалланган ва ҳайдовчи ўрнини ҳисобга олмаганда 8 тадан ортиқ ўриндиққа эга бўлган автотранспорт воситаси.

Аҳолининг ташишга бўлган эҳтиёжини қондиришда биринчи ўринда Автомобил транспорти воситаларидан бири бўлган автобуслар алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда 1,5 млн. дона энгил Автомобил, 300 минг дона юк Автомобили ва 73 минг дона автобус мавжуд бўлиб улар ёрдамида ҳар йили 3 млрд. йўловчи ташилмоқда. Биринчи автобус қатнови 1906 йилда Фарғона-Марғилон шаҳарлари ўртасида йўлга қўйилган. 1910 йили Тошкентда биринчи автобуслар пайдо бўлган. Хориждан келтирилган 8 та кичик автобус ва битта 40 ўринли автобус шаҳар кўчаларида қатнай бошлаган.

Автобуслар ишлатилишига, ўлчамига, сифимига, кузов типига, қаватлилигига, конструктив хусусиятларига ва бошқа белгиларига қараб турларга ажратилади.

Сифимига қараб автобуслар 5 турга ажратилади: жуда кичик, кичик, ўрта, катта, қўшалок.

Автобуслар кузовининг турига ва қаватлилигига қараб қуйидаги турларга ажратилади.

- кузовнинг шаклига қараб вагон ва капот типли;
  - қаватлилигига қараб: бир, бир ярим ва икки қаватли.
- Двигателнинг турига қараб автобуслар қуйидаги турларга бўлинадилар:
- карбюраторли (бензинда ва газда ишловчи);
  - дизелли;
  - электрик (электробуслар).

Автобусларда двигател кузовнинг олдида, орқасида ёки полнинг тагида жойлашиши мумкин.

Энгил Автомобиллар ишлатилишига, кузов турига, двигателнинг ишчи ҳажмига ва оғирлигига қараб турларга ажратилади.

Ишлатилишига қараб энгил Автомобиллар умумфойдаланишдаги, хизматчи, прокатдаги ва шахсий Автомобилларга ажратилади.

### **Автобуслар ва энгил Автомобиллар кузовлар тузилишига қўйиладиган талаблар**

Шаҳар автобуслари конструкциясига қўйиладиган талаблардан бири автобусларнинг габарит ўлчамларини ўзгартирмасдан туриб унинг йўловчи сифimini ошириш имкониятидир. Бу ҳолатда йўловчиларнинг маълум бир қисми қисқа (ўртача 3-4 км) масофаларга қатнаши эътиборга олинади.

Шаҳар ичи ташишларида алоқа тезлиги 20-22 км/соат бўлиб, йўловчилар ҳаракатланиш вақти ўртача 15-20 минутдан ошмайди. Бундан ташқари сутка соатлари ичида йўловчилар оқимининг нотекислиги ҳам аҳамиятга эга. Шунинг учун шаҳар ичи автобусларида ўтириш жойлари автобус сифимидан анча кам бўлиши мақсадга мувофиқдир. Автобус кузовини режалаштиришда йўловчиларнинг автобус ичида, унга чиқиш ва тушишда ҳаракатланишини ҳам таъминланиши керак. Автобус эшиклари атрофида 2,5-4 м<sup>2</sup> атрофида майдонча бўлиши керак.

Шаҳарлараро йўналишларда қатновчи автобуслар кўлни тираш ва суяниб кетиш мумкин бўлган юмшоқ қопламали креслолар билан жиҳозланиши керак.

Автобус эшиklarининг ўлчамлари ва конструкцияси алоҳида ўрин тутади. Шаҳар автобуслари 2-3 эшикли, шаҳарлараро автобуслар эса бир эшикли бўлади.

Автобусларнинг ўтириш жойлари қулай, ҳаракат тезлиги юқори, кузовнинг тебраниши кам, яхши ёритилган, ҳаво айланиши ва иситилиши таъминланган бўлиши керак.

Шаҳарлараро ва туристик автобусларда ўтириш жойлари қанча бўлишидан қатъий, назар багаж учун махсус жойлар бўлиши лозим. Багаж жойлари 6-8 багаж ўрнига қараб отсеklarга бўлинади. Бунда бир йўловчига 0,1 м<sup>2</sup> дан кам бўлмаган багаж майдони тўғри келиши керак.

Ҳайдовчи иш жойининг тузилиши. Автобус ҳайдовчисининг иши бошқа Автомобиллар ҳайдовчиларининг иш шароитидан анча фарқ қилади. Масалан бир соатда узатмалар қутиси 160-180 марта ўчириб ёқилади ва 35-40 марта тормоз берилади. Бундай катта жисмоний босим ҳайдовчини толиқтиради. Ҳайдовчининг иш шароитини яхшилаш учун меҳнат жараёнини механизациялаш ва автоматлаштириш ва иш жойини яхши ташкил этиш талаб этилади.

Ҳайдовчининг ишдаги зўриқиши ва мажбуриятини ҳисобга олиб ҳаракат вақтида максимал хавфсизликни ҳамда чарчоқни камайитириш мақсадида унга қулайлик яратиш талаб этилади. Шаҳар шароитида ишловчи автобус ҳайдовчилари жисмоний толиқишдан ташқари кўча ҳаракатидаги интенсивлик ва тез-тез тўхташлар натижасида асабийлашадилар. Шаҳарлараро қатновчи автобус ҳайдовчилари эса буладан ташқари катта тезликда ҳаракатланиши натижасида ҳам асабийлашишлари ортади.

Ҳайдовчи кабинасидаги ҳарорат ва вентиляция 20<sup>o</sup>C атрофида бўлиши керак.

Енгил такси Автомобиллари кузови ва конструкциясига қўйиладиган умумий талаблар шахсий фойдаланишдаги енгил Автомобилларникидан фарқ қилади. Таксилар сифими тўрт йўловчидан иборат. Ҳақ тўланувчи қатновлар бир-икки йўловчи билан 70-75% ни, уч йўловчи билан 15-20% ни, тўрт йўловчи билан 5-10% ни ташкил этади.

Такси Автомобили кузовлари таниш белгилари билан жиҳозланган бўлиши керак.

### **Транспорт тармоғи кўрсаткичлари**

Йўналишлар тизими дейилганда шаҳар, туман, ёки вилоят ҳудудидаги барча умумфойдаланиш транспорти йўналишлари йиғиндиси тушунилади.

Йўловчи ташиш транспорти тармоқларида йўловчиларнинг қулай ҳаракатланиши , барча турдаги транспортларнинг ўзаро мувофиқ ишлаши йўналишлар тизиминининг такомиллашганлигига боғлиқ.

Шаҳардаги кўча ва йўлаклардан ўтадиган автобус йўналишлари шаҳар автобус тармоғини ташкил этади.

Барча турдаги транспорт (автобус ва трамвай) йўналишлари биргаликда шаҳар транспорт тармоғини ташкил этади.

Шаҳар транспорт тармоғига қўйилган талаблардан энг асосийларига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- иложи борича кўзланган манзилга битта транспортда етиб олиш;
- манзилга кам вақт сарф қилиб тез етиб бориш;
- транспорт воситасидаги йўловчилар сони унинг меъёрий сифимидан катта бўлмаслиги;
- йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш.

Йўналиш тармоғини танлаш ва асослаш йўловчи оқимининг тақсимланишига боғлиқ бўлади.

Йўналишларни тўғри танлаш йўловчиларни манзилларига етиб бориши учун сарфлайдиган вақтини камайтиради ва транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошишига олиб келади.

Йўналишлар тизимининг тармоқланишини тавфсифлаш учун йўналиш коэффициентидан фойдаланилади.

Йўналиш коэффициенти ( $K_{\text{й}}$ ) барча автобус йўналиши узунлигини ( $\sum L_{\text{й}}$ ) автобус йўналишлари ўтган кўча ва йўлларнинг узунлигига ( $L_{\text{м}}$ ) яъни автобус тармоғи узунлигига нисбати билан аниқланади:

$$K_{\text{й}} = \frac{\sum L_{\text{й}}}{\sum L_{\text{м}}}$$

Йўналиш коэффициенти қанча катта бўлса, йўловчиларга шунчалик қулай шароит яратилади. Мисол. Шаҳардаги барча автобус йўналишларининг узунлиги 2000 км ва бу йўналишлардаги йўлларнинг узунлиги 1000 км бўлсин. У ҳолда йўналиш коэффициенти:

$$K_{\text{й}} = \frac{2000}{1000} = 2 \quad \text{бўлади}$$

Транспорти тармоғи яхши ривожланган шаҳарлар учун бу кўрсаткич 2-3,5, транспорт тармоғи кам ривожланган шаҳарларда эса 1,2 – 1,3 га тэнг бўлади.

Автобус йўналишининг узунлигини шаҳар майдонининг юза бирлигига

(G)тўғри келиши транспорт тармоғининг зичлиги деб аталади:

$$G = \frac{\Sigma L_u}{F}, \frac{\text{км}}{\text{км}^2}$$

Транспорт тармоғининг зичлиги қанча юқори бўлса, йўловчиларни бекатга бориш учун сарфлайдиган вақти шунчалик кам бўлади.

Транспорт тармоғининг зичлиги йирик шаҳарларда 2- 2,5 км/км<sup>2</sup> дан кам бўлмаслиги тавсия этилади. Шаҳарнинг марказий туманларида эса бу кўрсаткич 5-7 км/км<sup>2</sup> бўлади.

Йўловчиларни бир йўналишдан иккинчи йўналишга ўтиш масофаси куйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$l_{\text{ўпм}} = \frac{1}{3G} + \frac{l_{\text{об}}}{4}, \text{ км}$$

Мисол:  $G = 2,5 \text{ км/км}^2$ ,  $l_{\text{об}} = 0,4 \text{ км}$  бўлса,

$$l_{\text{ўпм}} = \frac{1}{3 \cdot 2,5} + \frac{0,4}{4} = 0,23 \text{ км} = 230 \text{ м га тенг бўлади.}$$

### 1.3.Йўналишлар тизими.

#### Автобус йўналишлари таснифи

Ишлаш вақтига кўра автобус йўналишлари доимий ва вақтинчалик бўлиши мумкин. Доимий йўналишларда йил давомида ва ҳафтанинг барча кунларида транспорт воситалари бир хил миқдорда қатнайди. Вақтинчалик йўналишлар эса мавсумда ёки муайян заруратга кўра (масалан шанба ёки якшанба кунлари дам олиш учун) ташкил қилиниши мумкин.

Шаҳар йўловчи транспорта йўналишлари транспорт турлари (автобус, трамвай, троллейбус, метро ва ҳ.к), йўналишлар тармоғидаги ҳаракат йўналишлари, ҳаракат тезлиги ва иш режимларига биноан таснифланади.

Автобус йўналиши дейилганда автобус ва йўналишли таксиларнинг бошланғич ва сўнгги бекатлар оралиғида белгиланган ҳаракат йўллари тушунилади. Шаҳар автобус йўналишлари шаҳар ҳудудидаги ҳаракат йўлларига биноан ажратилади.

Диаметрал йўналиш шаҳарнинг бир четини иккинчи чети билан шаҳар марказий ҳудудларини кесиб ўтиб, шаҳар марказини четлари билан ҳамда шаҳар четки ҳудудларини ўзаро боғлайди.

Радиал йўналиш шаҳар четидаги сўнгги нуқтадан марказ томон йўналган бўлади бундай йўналишлар шаҳар четларини марказ билан, чекка жойларни туман марказлари ёки метро йўналишлари билан боғлайди.

Ярим диаметрал йўналиш шаҳардаги икки туман марказларини ўзаро боғлайди.

**Ҳалқасимон йўналишлар** айлана ёки берк синик, чизикдан иборат буўлиб, шаҳарнинг ўзаро алоқага муҳтож тарқоқ нукталарини бирлаштирувчи йўналишдир.



**Тангенциал йўналишлар** шаҳарнинг айрим туманларини марказга кирмай ўзаро боғлайди.

**Аралаш йўналишлар** юқорида келтирилган йўналишларнинг бир неча элементларини ўз ичига олади.

Шаҳар марказини четки туманлар билан бирлаштирувчи асосий йўналишлар диаметрал ва радиал йўналишлар ҳисобланади. Мазкур йўналишларда аксарият йўловчилар ташилади.

Диаметрал йўналишларда автобуслар иложи борича бир хил миқдорда йўловчилар билан тўлиши мақсадга мувофиқдир. Агар улар йўловчилар билан текис юкланмаса, транспорт воситаларидан нотекис фойдаланилади. Бундай камчиликнинг олдини олиш мақсадида диаметрал йўналишга бошқа йўналишлар қўшилади. Масалан, йўловчилар кўпбўлақларга ёрдамчи радиал йўналиш ташкил этиш билан нотекис юкланишни бартараф этиш мумкин.

Шаҳар ичи туманларида ҳаракатланувчи автобуслар йўловчилар билан текисроқ юкланади. Айниқса, шаҳар маркази яқинида ҳалқасимон йўналиш ташкил этилган бўлса, у иш билан боғланган қатновларни ўз ичига олиб, "тиғиз" соатларни анча юмшатади.

### **Автобус йўналишларини танлаш ва асослаш**

Автобус йўналишларини белгилаш - рационал трассани, ҳаракат йўналишини, оралиқ ва охириги бекатларни танлаш ва асослаш пухта ва зарур техник-иқтисодий асосланган ҳолда амалга оширилиши керак. Чунки автобус йўналишлари йўловчиларни ташиш шароитлари ва қулайлигига, уларнинг тезлиги ва ҳаракат хавфсизлигига, ҳайдовчилар жамоаси иш режимига ҳамда автобуслардан фойдаланиш самарадорлигига ҳам ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Автобуслар ҳаракат йўналишини, шунингдек, оралиқ ва охириги бекатлар аҳолининг ташишга бўлган эҳтижидан келиб чиққан ҳолда танланади. Бунда йўловчилар оқими йўналиш узунлиги давомида барқарор бўлиши ҳисобга олиниши керак.

Автобус йўналишларининг оптимал вариантини танлашда ва уни асослашда қуйидаги асосий талаблар ҳисобга олинади: давлатнинг ваколатли органининг ана шундай вакилларини ўз ичига оладиган Ўзбекистан Автомобил ва дарё транспорти агентлиги ва ҳудудидан йўналиш ўтиши мўлжалланаётган давлатнинг ваколатли органининг қарори асосида ташкил этиладиган комиссиялар томонидан бажарилади.

Комиссияларнинг аъзолари йўналишнинг ҳаракат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги баҳоланган компанияси, «Ўзбекистан темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ва тасарруфида темир йўллар бўлган бошқа тузилмаларнинг раҳбарларини ҳамда йўналиш ўтиши мўлжалланаётганлиги учун ўз ваколатлари доирасида шахсан жавоб берадилар.

Комиссиялар:

- йўналишда йўловчилар ташишга бўлган эҳтиёжни (мўлжалланаётган барқарор йўловчилар оқимини) аниқлайдилар;

- ҳаракат трассасини танлайдилар ва йўл шароитларини текширадилар, йўналишнинг йўл шароитларига ва бошқа шароитларга кўра ҳаракат хавфсизлигининг белгиланган қонунҳужжатлари талабларига мувофиқлигини аниқлайдилар;

- йўналишни очишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса тузадилар.

Йўналиш трассасини ўрганиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

а) йўналишларнинг ҳаракат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги, у қуйидагилар асосида баҳоланади:

транспорт ташкилоти ёки йўловчилар ташишни амалга оширувчи бошқа ташкилот томонидан тақдим этиладиган йўналиш тўғрисидаги ахборот;

йўл, коммунал ташкилотлар ва тасарруфида йўллар, сунъий иншоотлар, темир йўлдан кесиб ўтиш жойлари ва бошқалар бўлган бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган йўналишдаги йўл шароитлари тўғрисидаги маълумотлар (йўл четлари ўтиш жойлари, параметрлари ва уларнинг ҳолати, йўл режаси ва профили элементлари, ҳаракат тиғизлиги ва таркиби, сунъий иншоотлар, темир йўлдан кесиб ўтиш йўллари, паром ва музликлар орқали ўтиш йўлларининг ҳолати, ҳаракатни ташкил этиш воситалари мавжудлиги ва бошқалар);

йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизматининг йўл-транспорт ҳодисаси кўп бўладиган жойлар ва уларнинг сабаблари тўғрисидаги маълумотлари;

йўналишда ишловчи ҳайдовчилардан сўраб-суриштириш; йўналишни бевосита текшириш асосида баҳоланади. Тегишли ташкилот раҳбарлари кўрсатиб ўтилган ахборотни комиссияларга ўз вақтида тақдим этишга мажбурдир;

б)оралиқ ва охириги тўхташ манзиллари жойларини ҳамдаулар ўртасидаги масофани аниқлаш, автобуслар буриладиган ватўхтаб турадиган майдончалар жойи ва ўлчамини белгилаш;

в)трассада аниқланган, йўловчилар ташиш хавфсизлигигатўсқинлик қиладиган нуқсонларни баргараф этиш бўйича талаб этиладиган чоратадбирлар ва ишлар руйхати кўрсатилган ҳолда ўрганиб чиқиш натижалари бўйича далолатнома тузиш;

г) кўприклар, кесишган йўл устидан ўтказилган кўндаланг йўллар, эстакадалар ваавтобус йўналишидаги бошқа сунъий иншоотларнинг қурилиш меъёрлари ва қоидаларида ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган хавфсизлик талабларигамувофиқлигига эътиборни каратиш;

д)синов рейсларини ташкил этиш ва амалга ошириш, синоврейслари давомида ҳаракат тезлиги нормалаштирилади ва йўналишмасофаси узил-кесил ўлчанади.

Синов рейслари натижалари бўйича баённома тузилади. Баённомада йўналишнинг белгиланган узунлиги ва рейсга кетадиган вақтнинг белгиланганлиги, айланма рейс, охириги манзилларда туриш вақти, белгиланган йўлда юриш тезлиги кўрсатилади.

Ўрганиб чиқилаётган йўналишда масофани ўлчаш ва автотранспорт воситасининг ҳаракатланиш вақти хронометражи протоколи комиссиянинг барча аъзоларитомонидан имзоланади.

Комиссия йўналишда синов рейсларини ташкил этади ва, қоидага кўра, бир ой мобайнида ушбу рейслар ишини пухта кузатади.

Синов рейслари натижалари бўйича комиссия ваколатли органлар олдида йўналишни очиш ёки йўналишни очиш мақсадга мувофиқэмаслиги ҳақида илтимоснома қилишга ҳақлидир.

### **Йўналишларда йўловчиларни ташиш учун очик тендерлар ташкил этиш**

Шаҳар атрофида, шаҳарлараро (вилоятлар ичида, вилоятлараро) ва халқаро йўловчилар ташиш и жойлаштириш учун очик тендерлар ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш Автомобил транспортида очик тендерлар ташкил этиш ва ўтказиш масалалари тўғрисида» 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарорини бажариш учун ишлаб чиқилди.

Тендер ўтказишгача камида 30 кун аввал Комиссия оммавий ахборот воситалари орқали тендернинг мазмуни, асосий шартлари, тартиби, вақти, уни ўтказиш жойини эълон қилади. Шаҳар атрофида (шаҳарлараро, халқаро) йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очик тендерлар ўтказиш тўғрисида эълоннинг намунаси 1-иловага мувофиқ.

Очик тендерда қатнашишни хоҳловчилар ёзма буюртма бўйича, олдиндан уларнинг кийматини тўлаб, тендер ҳужжатлари пакетини Комиссиядан оладилар. Тендер ҳужжатлари таркибига қуйидагилар киради:

шаҳар атрофида, шаҳарлараро (вилоятлар ичида, вилоятлараро) ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очик тендерлар ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида Низом;

- тендер катнашчиси учун йўриқнома;
- тендер катнашчиси тўғрисида маълумотлар шакли;
- тендер таклифларининг намунавий шакли;
- ҳаракатланувчи таркибнинг русуми (тури), унинг ёши, шунингдек, йўловчилар жойлашиши учун табақалаштирилган баллар белгилаш намуналари;
- тендер таклифларини тўлдириш намуналари;
- шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўловчилар ташиш транспортида хизмат кўрсатиш учун тузиладиган битимнинг намунавий шакли.

Тендер хужжатлари пакети билан бирга даъвогарга, Комиссияга тендер таклифлари ва иштирокчи тўғрисида маълумотлар бериш учун, конверт берилди. Конверт устига тендерга қўйилган йўналиш (ёки йўналишлар пакети)нинг номи ёзилади. Агар тендерга бирдан ортиқ йўналиш (йўналишлар пакети) қўйилган бўлса, у ҳолда ҳар бир йўналиш (йўналишлар пакети)га алоҳида конверт бўлиши лозим. Конвертда ҳеч қандай чизиқлар ёки ажратиб турадиган белгилар бўлиши мумкин эмас.

Даъвогар йўналишда ишлаш ҳуқуқи учун тендер таклифини тақдим этса, бу унинг тендер шартлари билан синчиқлаб танишгани ва бу шартларга рози эканини билдиради. У тендер таклифларини баҳолаш тартибини билиб олгач, ўз таклифлари бўйича тахминий балларни олдиндан ҳисоблаб чиқиши, уларни Комиссия талаб этадиган параметрлар билан солиштириши ва бу билан тендернинг бошқа иштирокчилари ўртасида ўзининг потенциал рейтингини аниқлаши мумкин.

Транспорт воситаларининг русуми (класси), уларда йўловчиларнинг умумий сифimini ва улар бўйича табақаланган балларни Комиссия мустақил равишда белгилайди.

Йўналишларнинг тэнглик тавсифини ҳисобга олиб, иштирокчиларнинг тендер таклифларида ҳаракатланувчи таркибнинг қайд этилган сони - паркдан фойдаланиш коэффициенти 0,6 дан кўпёки оз бўлмаслигини ҳисобга олиб, жадваллар сони бўйича эътиборга олинади.

Шаҳарлараро-вилоятлараро йўналишларда йўловчиларнинг умумий сифими бўйича баллар жойлар сонининг гийғиндиси (ўриндиқлар ёки ўтирадиган жойларни ҳисобга олингани) бўйича белгиланади, бунга 50 ва ундан ортиқ км-лик шаҳарлараро-вилоятлараро йўналишларда йўловчиларнинг сифими фақат Комиссиянинг тендер таклифларида йўналишнинг узунлигига боғлиқ ҳолда кўрсатадиган ўтириш жойлари ҳисобга олинади. Масалан, ўтириш жойига 180 киши жойлашиши (4 та «Икарус» автобуснинг ҳар бирида 45 тадан ўрин) база ҳисобланади. Ташувчи ҳар бирининг ўтириш жойи 55 тадан бўлган 4 та «Мерседес» автобусни таклиф этади, шунда умумий сифими 220 ўрин бўлади, сифими ошириш коэффициенти  $220 : 180 = 1.22$ , балл = 6,1 (5 x 1,22).

Йўналишга тендер талабларида юмшок, ёки қаттиқўриндиқли автобуслар иши учун зарур бўлган класс албатта кўрсатилади.

Йўловчиларни ташиш ҳавфсизлигини таъминлаш ва йўналишда ҳайдовчилар ишининг давомийлигига боғлиқ ҳолда ҳайдовчиларнинг иши ва дам олиши тўғрисида қоидалар шартларининг талабларига амал қилиш учун йўналишга тендер талабларида бир кунда ишлаётган ҳайдовчилар сони кўрсатилади.

Иштирокчи тендер таклифлари шаклини тўлдириш билан ўзининг баҳо ўлчовларига алоқаси бўлмаган маълумотли таклифларини қўшмасдан, фақат сўралаётган баҳо мезонлари бўйича тўла ва мукамал ахборот беришга мажбур.

Ёнғин хавфсизлиги тадбирлари бўйича бажарилаётган ишлар тўғрисида қисқача ахборот бериш лозим.

Йўналишда ишлаш ҳуқуқи учун даъвогар конвертга тендер таклифларини ўзи тўғрисида маълумотлари билан жойлаштиради ва эълонда кўрсатилган сана ва вақтдан кечикмасдан Комиссияга топширади.

Конвертга солинадиган тендер таклифлари нусхаларининг миқдори тендер санок комиссияси аъзолари сонига тўғри бўлиши керак.

Даъвогар такдим этадиган тендер таклифларини у имзолаган бўлиши, муҳр бўлган ҳолатда у билан тасдиқланиши керак.

Иштирокчининг тендер таклифлари нотўғри тўлдирилган бўлса, ёки бошқа ҳолатларда, даъвогар юк ташишнинг кўриниб турган номаъқул шартлари (масалан, автобуслар иш тартибининг талаб этилган нусхаси билан солиштирилганида ёмон, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро ташиш учун қулай бўлмаган автобус русумлари ва ш.к.)ни таклиф этса Комиссия бунга рад қилиши мумкин.

Комиссия ҳар бир аъзо томонидан тасдиқланган шакласосида натижаларни жамлайди ва ҳар бир иштирокчи бўйича тендер таклифлари баҳосининг якуний балларини аниқлайди. Йўналиш (йўналишлар пакети)га факат бир даъвогар бўлганида, Комиссия олдиндан белгиланганидек, унинг тендер таклифлари бўйича баллари йўналиш учун кутилаётган минималбалдан кам бўлмаслиги шарт билан ушбу йўналишда ишлаш ҳуқуқини бу ташувчига бериш ҳуқуқига эга, кутилаётган минималбалл йўналиш (йўналишлар пакети)га тендер талабларида кўрсатилади.

Тендер ғолибига йўналишда ишлаш ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳномани топшириш ва улар билан битим имзолашни бир вақтда, Комиссия аъзоларининг иштирокида ўтказиш тавсия этилади.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Шаҳар пассажир транспорти тўғрисида»ги қонуни
2. Ўзбекистон республикасида автомобилсозлик саноатининг ривожини
3. Автомобил транспорти фаолиятини лицензиялашда ишлатиладиган асосий тушунчалар
4. Лицензияларнинг турлари
5. Лицензия олиш учун давлат божи тўловлари
6. Очиқ тендерларни ташкил этиш
7. Автобуслар таснифи

## **Фойдаланган адабиётлар руйхати**

1. “Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги 3589-сонли тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

2. Transportation Infrastructure Engineering A Multimodal Integration. SI Edition. Lester A. Hoel, Icholas J. Garber, Adel W. Sadek / Cengage Learning 200 First Stamford Place, Suite 400 Stamford, CT 06902, 2011. USA.
3. Logistics & Supply Chain. Technology Best Practice Handbook. Jario Rojas. The Chartered Institute of Logistics and Transport (UK), 2014 England.
4. Introduction to Logistics Systems Planning and Control. John Wiley & Sons, Ltd. The Atrium, Southern Gate, Chichester West Sussex, 2014 England.
5. Construction Supply Chain Management Handbook Edited by William J . O'Brien , Carlos T . Formoso , Ruben Vrijhoef , and Kerry A . London CRC Press 2008.

**2-мавзу: Йўловчилар оқими ва уни ўрганиш усуллари. Автобуслар ишининг техник-эксплуатацион кўрсаткичлари ва автобусларнинг линиядаги ишини ташкил этиш**

**Режа:**

1. Йўловчилар оқими ва уни ўрганиш усуллари.
2. Автобуслар ишининг техник-эксплуатацион кўрсаткичлари
3. Автобусларнинг линиядаги ишини ташкил этиш.

**Таянч иборалар:** Йўловчилар оқими. Йўловчилар оқимини сутка соатлари, ҳафта кунлари, ойлар, йил фасллари, йиллар, перегонлар бўйича ўзгариши. Йўловчилар оқимини ўрганишнинг анкета, талон, чипта, кўз билан чамалаш, сўров усуллари. Автомобиллар рўйхатдаги сони. Автомобил саройининг техник тайёргарлик коэффиценти. Автомобил саройидан фойдаланиш коэффиценти. Ўртача кунлик масофа. Босиб ўтилган йўлдан фойдаланиш коэффиценти. Автобуснинг сифими. Автобус сифимидан фойдаланиш коэффиценти. Ўртача кунлик босиб ўтилган масофа. Босиб ўтилган масофадан фойдаланиш коэффиценти. Автобуслар сифими. Автобус сифимидан фойдаланиш коэффиценти. Автобусларнинг ишдаги ва маршрутдаги вақтлари. Йўловчининг ўртача қатнов масофаси. Йўловчилар алмашув коэффиценти. автобусларнинг ҳаракат тезликлари. автобуслар ҳаракати интервали ва частотаси, маршрутда ишловчи зарур автобуслар сони ҳисоби. автобус унумдорлиги. Автобуслар ҳаракат тезликлари ва уларни меъёрлаш. Ҳайдовчилар ва чиптачилар меҳнатини ташкил этиш. Автобуслар ҳаракат жадвали ва уларни тузиш усуллари. Автобуслар ҳаракати “тиғиз” вақтларда шаҳар ичи йўналишларида ташишни ташкил этиш. Шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда ташишни ташкил этиш.

## 2.1. Йўловчилар оқими ва уни ўрганиш усуллари.

*Пассажирлар оқими* дейилганда бир йўналиш бўйича қатнаётган пассажирлар миқдори тушунилади. Пассажирлар оқими эшюра шаклида берилиб, маълум йўналиш бўлаги, йўналиш ва йўналиш, тумандаги пассажирлар ташиш кескинлигини билдиради.

Шаҳар ичи пассажирлар оқими унда доимий яшовчи, шаҳар атрофидан келган ва шаҳарга келиб вақтинча яшовчи пассажирлар оқими йиғиндисидан иборат бўлади. Йирик шаҳарлар атрофидан келадиган аҳоли унинг пассажирлар оқими катта таъсир этади ва улар шаҳар ишлаб чиқариш объектларида ишлайдиган ва транспортдан доимий фойдаланувчи ҳамда транспортдан онда-сонда фойдаланувчиларга бўлинади.

Пассажирлар оқимини ўрганишда барча қатновлар икки гуруҳга бўлинади: ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган пассажирлар оқими.

Биринчи гуруҳқатновига ишга бориб-қайтиш, кун давомида иш билан боғлиқ қатновлар, ўқувчи ва талабаларнинг ўқув юртларга қатнаши киради. Иккинчи гуруҳга томошагоҳлар (театр, концерт, кино)га, маданий ва илмий ташкилотлар (музей, кўрғазмалар, кутубхоналар, стадионлар, дам олиш боғлари)га, дўконларга ва маиший хизмат ташкилотлари (шаҳар атрофида дам олиш, касалхона ёки поликлиника, болалар боғчаси)га бориш билан боғлиқ, қатновлар киради.

Шаҳардаги пассажирлар обороти йил мавсуми, ҳафта кунлари, сутка соатлари ва йўналишлар бўйича ўзгарувчанлиги билан характерлидир. Мавсумий ўзгарувчанлик айниқса курорт шаҳарлар ва йирик маданий марказлар учун характерли ва уларда яққол кўзга ташланади. Бунда пассажирларнинг энг кўп миқдори ёз ойларига тўғри келади.

Ҳафта кунларидаги энг кўп пассажирлар миқдори дам олиш, байрам ва байрам олди кунлари билан боғлиқ.

Пассажирлар оқимининг сутка соатлари бўйича ўзгариш характери иш бошланиш олди ва тугаш вақти билан боғлиқ бўлиб, унинг ўзгарувчанлик характери тасвирланган. Ташкилот ва корхоналар шаҳар ёки туман марказларида жойлашган бўлса, пассажирлар оқими, одатда, марказга томон ёки марказдан четга қараб йўналишлар бўйича анчагина катта бўлади.

Пассажирлар оқимининг ўзгарувчанлиги ўзгарувчанлик коэффициенти билан аниқланади ва у пассажирлар оқими максимал миқдорини унинг ўртача миқдорига бўлиш орқали топилади:

$$\eta_H = \frac{Q_{\max}}{Q_{\text{урт}}}$$

Йирик шаҳарларда пассажирлар оқимининг нотекислиги автобус транспортида тахминан: йил давомида ойлар бўйича 1,1-1,2; ҳафта кунлари бўйича 1,15-1,20; сутка соатлари бўйича 1,5-2,0 ва йўналишлар бўйича 1,2-1,5 га тенгдир. |

Пассажирлар оқими таркибининг ўзгариши саноат корхоналари, савдо ташкилотлари, маъмурий идораларда белгиланган иш режимлари ҳамда ўқув юртлардаги дарс жадвали вақтлари билан боғлиқдир.

Пассажирлар оқимининг йўналишларга кўра ўзгаришига шаҳар планировкаси (объектларнинг жойлашуви), йўлларнинг жойлашуви ва характери, пассажирлар ҳосил этувчи ва пассажирларни қабул этиш пунктларининг айрим сабабларига кура (масалан, халқ сайли, спорт мусобакаси ва ҳ.к.) ўзгариб туриши кўп жиҳатдан таъсир этади.

Ҳозирги даврда йирик шаҳарларда бир неча марказлар бўлиб, шартли равишда улар "шаҳар фокуслари" деб аталади. Бундай "шаҳар фокуслари"га аҳоли зич яшовчи кичик ҳудудлар ёки йирик саноат корхоналари бор жойлар, стадионлар, ипподромлар, дам олиш ва маданият боғлари, театрлар, йирик ўқув юртлари, маъмурий идоралар ва йирик савдо ташкилотлари (бозорлар)ни киритиш мумкин.

#### **Йўловчилар оқими ҳақида тушунча.**

Йўловчилар оқимини ўрганиш усуллари йўларнинг маълум бир йўналишида ва қисмида (бўлагида), ташилиши керак бўлган йўловчиларга йўловчилар оқими деб аталади. Аҳолининг ташишга бўлган талабини тўла қондириш ва уларга юқори сифатли транспорт хизматини кўрсатиш учун Йўловчилар оқими ва уларнинг тавфсифлари тўғрисидаги маълумотлар керак бўлади:

1. Бутун йўналиш бўйича йўловчиларни ташиш хажми
2. Йўналишнинг бўлаклари (бекатлар оралиғи) бўйича Йўловчилар оқимининг тақсимланиши.
3. Куннинг соатлари бўйича йўловчилар оқимининг хажмини тақсимланиши.
4. Йўловчилар айланиши.
5. Йўловчиларни ўртача ташиш масофаси.
6. Йўловчиларнинг алмашувчанлик коэффициенти.

Йўловчилар оқими ўрганилаётганида улар график, эпюра, картограмма, циклограмма ёки жадвал кўринишида тасвирланиши мумкин. Йўловчилар оқими йўналишнинг узунлиги ва куннинг соатлари бўйича нотекис тақсимланади.

Йўловчилар оқимини куннинг соатлари бўйича ўзгаришини кўрадиган бўлсак унда иккита Йўловчи оқими энг катта бўлган даврларни кузатиш мумкин. Бу даврлар тиғиз вақт ("пик") деб номланади. Йўловчилар оқимини куннинг соатлари бўйича ўзгариши "Йўловчилар оқимини куннинг соатлари бўйича нотекислик коэффициенти" орқали тавсифланади:

$$K_s = \frac{Q_{\max}}{Q_{o'rt}} ;$$



Бу ерда:  $Q_{\max}$  - энг катта бир соатлик йўловчи оқими (иккала йўналиш бўйича);

$Q_{\text{оьрт}}$  - иккала йўналиш бўйича йўловчи оқимининг бир соатлик ўртача қиймати. Йўловчилар оқимини йўналишнинг бўлаклари (бекатлар оралиғи) бўйича ўзгариши “Йўловчилар оқимини йўналишнинг бўлаклари бўйича нотекислик коэффициенти” орқали тавфсифланади:

Йўловчилар оқимини йўналишнинг бўлаклари (бекатлар оралиғи) бўйича ўзгариши “Йўловчилар оқимини йўналишнинг бўлаклари бўйича нотекислик коэффициенти” орқали тавфсифланади

:

$$K_b = \frac{Q_{\max}^b}{Q_{\text{о'рт}}}$$

Бу ерда:  $Q_{\max}^b$  – оқимнинг энг катта бўлган йўналиш бўлагидаги йўловчилар сони. йўналишнинг узунлиги ва куннинг соатлари бўйича нотекис тақсимланади. Йўловчилар оқимини куннинг соатлари бўйича ўзгаришини кўрадиган бўлсак унда иккита йўловчи оқими энг катта бўлган даврларни кузатиш мумкин. Бу даврлар тифиз вақт (“пик”) деб номланади. Йўловчилар оқимини куннинг соатлари бўйича ўзгариши “Йўловчилар оқимини куннинг соатлари бўйича нотекислик коэффициенти” орқали тавсифланади:


$$K_s = \frac{Q_{\max}}{Q_{\text{о'рт}}} ;$$

Бу ерда:  $Q_{\max}$  - энг катта бир соатлик йўловчи оқими (иккала йўналиш бўйича); ;

$Q_{\text{оьрт}}$  - иккала йўналиш бўйича йўловчи оқимининг бир соатлик ўртача қиймати. Йўловчилар оқимини йўналишнинг бўлаклари (бекатлар оралиғи) бўйича ўзгариши “Йўловчилар оқимини йўналишнинг бўлаклари бўйича нотекислик коэффициенти” орқали тавфсифланади:

$$K_b = \frac{Q_{\max}^b}{Q_{\text{о'рт}}}$$

Бу ерда:  $Q_{\max}^b$  – оқимнинг энг катта бўлган йўналиш бўлагидаги Йўловчилар сони.



3-расм. Йўловчилар оқимининг куннинг соатлари ва йўналиш бўлаклари бўйича тақсимланиши.

Йўловчилар оқимининг миқдори ё\_ловчилар қайси тарафга ҳаракатланаётганлигига қараб ҳам ҳар хил тақсимланиши мумкин. Бу нотекистик “Йўловчилар оқимини йўналиш бўйича нотекистик коэффиценти” ёрдамида баҳоланади:

$$K_y = \frac{Q_{o'rt \max}}{Q_{o'rt \min}},$$

Бу ерда: *Qo'rt max*- энг кўп Йўловчи оқими бўлган ҳаракат йўналишидаги Йўловчилар оқимининг ўртача қиймати йўл.;

*Qo'rt min*- энг кам йўловчи оқими бўлган ҳаракат йўналишидаги Йўловчилар оқимининг ўртача қиймати, йўл. Йўловчилар оқими ҳақидаги статистик маълумотларни ҳар хил усуллар ёрдамида аниқлаш мумкин: - анкета; - талон; - кўз билан кузатиш; - жадвал; - сўровнома; - чипта. Шунинг ҳам еслатиб ўтиш жоизки, йўловчилар оқимини ялпи (бутун шаҳар, туман ёки йўналишда қатнаётган автобуслар қамраб олинади) ёки танлаб олиш усулида (шаҳарнинг, туманнинг ёки йўналишда қатнаётган автобусларнинг бир қисми) ўрганиш мумкин. Қайси усулдан фойдаланиш йўловчилар оқимини нима мақсадда аниқланаётганидан келиб чиқиб танланади. Анкета усули. Бу усулда йўловчилар оқимини ўрганиш учун махсус анкеталар тайёрланади ва аҳолига тарқатилади. Анкетада ҳар бир аҳоли маълум давр оралиғида неча марта ва қай мақсадда транспорт хизматидан фойдаланиши, қайси йўналишда ва қанча масофага бориши каби саволлар ёзилган бўлади Йўловчилар оқимини ўрганиш анкетаси намунаси

Савол	Жавоб	Шифр
Сиз ишга ёки ўқишга боришда транспортга қайси бекатдан қайси вақтда чиқасиз?	1- сабзаёт базаси, 7 с.30 мин.	
Транспорт тури ва рақами?	Автобус № 35, 46, 53	
Уйдан автобус бекатигача етиб бориш учун сарфлайдиган вақтингиз?	7 мин	
мин Қаерда сиз бошқа транспортга 1- марта ўтасиз?	“Пахтакор” бекатида Метрополитэнга	

Анкета ёрдамида олинган маълумотлар аҳолининг йўловчи транспортдан нима мақсадда фойдаланиши (ишга, ўқишга ёки маданий дам олишга бориши), қайси жойдан қаерга бориши ва сарфлаётган вақти, қайси транспорт туридан фойдаланиши каби саволларга аниқ жавоб олиш имконини беради. Олинган маълумотлар аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини баҳолашда, келажакда транспорт тармоғини ривожлантириш режасини ишлаб чиқишда, транспорт турини танлашда ва шаҳар транспортини планировкеси каби масалаларни ечишда фойдаланилади. Анкета усули транспорт олдидаги энг долзарб масалаларни йечишда энг яхши восита бўлиши билан бир пайтда баъзи бир камчиликларга ҳам егадир. Бундай камчиликларга қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Анкета сўровини ўтказишнинг мураккаблиги (анкеталарни тайёрлаш, уларни ҳар бир хонадонга тарқатиш ва қайта йиғиб олиш).
2. Анкета маълумотларини қайта ишлашга кўп вақт сарфланиши.
3. Йўналишлардаги йўловчилар оқимини куннинг соатлари бўйича “тиғиз” пайтни ва транспортларнинг ҳаракати ва йўналишнинг бўлаклари бўйича тақсимланишини энг катта қийматларини аниқ кўрсата олмаслик. Талон усули. Талон усули йўловчилар оқимини ўрганишда энг кўп қўлланиладиган усул бўлиш билан бир пайтда бошланғич маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш энг кўп меҳнат талаб қиладиган усул ҳисобланади. Талон усулининг асосий мақсади бекатларда транспорт воситасига чиқаётган, тушаётган ва тушмай ўтиб кетган йўловчилар миқдорини аниқлашдан иборатдир. Бу усул ҳар бир йўналишда йўловчилар оқимини куннинг соатлари, йўналиш бўлаклари, ҳаракат йўналиши бўйича миқдори ва нотекислик коэффициентларини, йўловчиларни ўртача ташиш масофасини, жами бажарилаётган иш унумдорлигини (йўловчи ва йўловчи км.ларда) аниқлаш имконини беради.

Талон усулида йўловчилар оқимини ўрганиш қуйидагича амалга оширилади. 1. Умумий бекатлар сонидан кўпроқ тартиб рақами ёзилган талон тайёрланади.

1	2	3	4	5	6	Тушаётганингизда талонни ҳисобчига топширинг
7	8	9	10	11	12	
13	14	15	16	17	18	
19	20	21	22	23	24	

Талоннинг кўриниши. Ҳисобчилар ҳар бир бекатда транспортга чиқаётган Йўловчиларга қайси бекатлигини белгилаб (бекат рақамини белгилаб) талонни берадилар ва улар тушаётган бекатда уни қайтариб оладилар ва талонга Йўловчи қайси бекатда тушгани қайд этилиб қўйилади. Тўпланган маълумотлар таҳлил қилиниб ҳар бир йўловчининг бекатлар бўйича алоқаси аниқланади.

Йўловчилар оқимини талон усулида ўрганиш натижалари (матрицаси)

1	2	3	4	5	6	Чикди	Тушди	Автобус қолди
1	40	60	120	70	50	340	-	340
2		80	150	90	60	380	40	680
3			130	110	70	310	140	850
4				60	40	100	400	550
5					50	50	330	270
6						-	270	--
Тушди	40	140	400	330	270	-		

Ҳисоблар транспорт ҳаракати йўналиши бўйича алоҳида-алоҳида олиб борилади (тўғри йўналиш, тескари йўналиш). Йўловчилар ҳақидаги маълумотларнинг дастлабки таҳлили кўрилаётган йўналишда қайси турдаги автобус йўналишини очиш мақсадга мувофиқ еканлиги тўғрисида биринчи таклифларни киритиш учун осой бўлади. Қайси йўналиш турини танлаш учун асосий меъзон бўлиб автобусларнинг Йўловчилар билан тўлганлик даражаси хизмат қилади. Бунда автобус йўналишининг турини шундай танлаш керакки автобуснинг сиғимдан фойдаланиш даражаси юқори бўлсин (йўналишнинг рентабллигини таъминланиши) шу билан бир пайта йўловчилар учун қулайлик ҳам таъминлансин (сиғимдан фойдаланиш даражаси меъёрдан ортиб кетмасин).

Кўз билан кузатиш (чамалаш) усули. Бу усул анча содда ва шу билан бирга таҳминий бўлиб Йўловчилар оқимини йўналишнинг энг кўп юкланган бекатларида ўрганиш учун қўлланилади. Бунинг учун ҳисобчилар бекатларда туриб автобус ичида қанча йўловчи борлигини олти балли тизим орқали баҳолайдилар ( 6 - расм):

- 1 балл – ўриндиқларнинг ярмидан кўп қисми бўш;
- 2 балл–ўриндиқларнинг хаммаси банд;
- 3балл–ўриндиқларнинг хаммаси банд ва туриб кетиш учун мўлжалланган жойларнинг ярми банд;
- 4 балл – автобуснинг сифимидан деярлик тўлиқ фойдаланиляпти (1кв. метр бўш майдонга 2 йўловчи тўғри келаяпти);
- 5 балл – автобуснинг сифимидан тўлиқ фойдаланиляпти ( 1кв. метр бўш майдонга 4 йўловчи тўғри келаяпти);
- 6 балл – автобус тўлиб кетган ва йўловчилар унга чиқа олмайди ( 1кв. метр бўш майдонга 8 йўловчи тўғри келаяпти).

Бу усулдан фойдаланилганда қанча йўловчи транспорт воситасида кетаётганини тўғри аниқлаш учун автобуснинг русумига, ўриндиқларнинг автобусни ишлаб чиқарган заводдагига нисбатан ўзгармаганлигига алоҳида аҳамият бериш керак. Кўз билан кузатиш усули содда ва нисбатан кам меҳнат талаб етгани учун ҳар бир йўналишда мунтазам равишда куннинг соатлари, ҳафта кунлари ва йил фасллари бўйича йўловчилар оқимини ўрганишда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Жадвал усули. Жадвал усули одатда ҳафтанинг биронта иш кунида (кўпинча чоршанба ва пайшанба) бир пайтда шаҳар йўловчи транспортининг барча турида (истисно тариқасида танлаб олинган йўналишларда) бир пайтда йўловчилар оқимини ўрганиш учун қўлланилади. Бунда транспорт корхоналаридаги одамлар камчиликни ташкил қилгани учун унга коллеж ва институт талабалари ҳам жалб етилади.

Кузатишни ўтказиш учун махсус жадваллар тайёрланади ва етарлик миқдорда кўпайтирилади. Бир нечта йўналишлар учун ҳисобчилар гуруҳи ва унинг раҳбари тайинланади. Ҳисобни бошлашдан олдин гуруҳ раҳбарлари жадвални тўлдириш қоидалари бўйича ҳисобчиларга йўриқномалар беришади. Шу билан бир пайтда йўловчи оқимини ўрганиш учун баъзи бир ташкилий масалалар ҳам ҳал етилиши керак. Масалан, ҳисобчилар кузатиш куни қаерда тўпланадилар ва ҳисобни бошлаш жойларига ва ҳисобот тугагандан кейин ўз манзилларига қандай етказиб қўйилади, дам олиш графиги ва бошқалар.

Сўров усули. Бу усул иккига бўлинади ва биринчисида аҳолига саволлар ёзилган варақа алоқа бўлимлари орқали юборилади. Сўров усули ёрдамида бекатларни бошқа бекатлар билан боғлиқлиги, транспорт тугунларининг жойлашув еҳтимоллиги, янги мавзеларга кўчиб кетган аҳолига транспорт хизматини кўрсатишнинг сифатини ошириш учун қандай йўналишларни ташкил етиш, транспорт турлари ва сифимини тўғри танлаш каби масалаларни ечишда асос бўлиб хизмат қилади. Сўровнома ўтказишнинг иккинчи усулида варақа хонадонларга юборилмайди. Уларни бекатларда ҳисобчилар йўловчилар билан савол-жавоб орқали тўлдирадilar. Баъзи ҳолларда ҳисобчилар

### Йўловчилар оқимини ўрганиш саволномаси

Т/г	Савол	Жавоб
1	Яшаш манзилингиз	
2	Уйдан бекатгача боргунча сарфлайдиган вақтингиз	
3	Ишга ёки ўқишга борадиган вақтингиз	
4	Ишга ёки ўқишга боришда қайси рақамли транспорт воситасидан фойдаланасиз ва қаерда бошқа транспортга ўтасиз?	

варақани транспортда кетаётган йўловчиларга тарқатиб тўлдирилган варақаларни улардан йиғиб олишлари ҳам мумкин.

Чипта усули. Йўловчилар оқимини, ташилган йўловчилар ҳажминини, уларни ўртача ташиш масофаларини ойлик чипталар ўтмайдиган йўналишларда (шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва хоказо) ўрганишда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шаҳар ичида бундай усулдан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ емаслигига асосий сабаб шаҳар ичида қатнайдиган кўпчилик йўловчиларга транспортдан фойдаланишга имтиёзлар берилганлигидир (нафақадаги фуқароларга, талабалар, ўқувчиларга ва бошқаларга берилаётган имтиёзлар).

Йўловчилар оқимини “Тошавтобустранс” Акционерлик жамиятига қарашли 117- автобус йўналишида талон усулини қўллаб Йўловчилар оқими ўрганиб чиқилди. 117-автобус йўналиши бўйича олинган натижалар асосида Йўловчилар оқимини куннинг соатлари бўйича нотекис тақсимланиши ўрганиб чиқилди: Йўловчилар оқимини куннинг соатлари бўйича ўзгаришининг нотекислик коэффициенти (соат 900 - 1000 да) :

$$K_s = \frac{710}{471} = 1,51 .$$

Бундан кўриниб турибдики, йўловчилар оқими куннинг соатлари бўйича жуда катта миқдорда ўзгарар экан. Йўналишда иккита “тиғиз” вақт мавжуд бўлиб, у эрталаб соат 700-1100 ва кечки 1600-1800 оралиғида экан. Демак, бу пайтда йўловчиларни ташиш учун янги усулларни қўллаш керак бўлади.

## 2.2. Автобуслар ишининг техник-эксплуатацион кўрсаткичлари

### Автомобиллар рўйхатдаги сони

Транспорт воситалари миқдор кўрсаткичлари барча автотранспорт саройлари учун умумий бўлиб, улар қуйидаги элементлардан иборатдир:

$A_x$  - ҳисобдаги ёки инвентар китобида ҳисобланиб борилувчи автомобилларнинг умумий сони.

Ҳисобдаги автомобиллар ўз техник ҳолатига кўра эксплуатация қилишга тайёр ( $A_{эт}$ ) ва кун давомида таъмирда ёки техник хизмат кўрсатишда турувчи автомобилларга ( $A_{тт}$ ) бўлинади, яъни

$$A_x = A_{эт} + A_{тт}$$

Амалда эксплуатацияга тайёр автомобиллар баъзи бир сабабларга кўра тўла ишлатилмайди. Уларнинг бир қисми ҳар хил сабабларга кўра ( $A_{тт}$  - таъмирда турувчилардан ташқари): эксплуатацион материаллар (ёнилғи, мой, автошина, аккумулятор) йўқлиги, ҳайдовчи (шофёр)лар йўқлиги ёки бетоблиги, йўллардан фойдаланиб бўлмаслиги ва ҳ.к ларга кўра бекор туришлари мумкин.

Айтилганларга кўра,  $A_{эт} = A_э + A_{бт}$

Демак, сарой ҳисобидаги автомобиллар  $A_x = A_э + A_{тт} + A_{бт}$  иборат бўлади.

Ҳар бир саройдаги автобус, автомобиль, тиркама ҳамда ярим тиркама маълум давр (режадаги ёки ҳисобий) ичида эксплуатацияда, бекор туришда ва таъмирда туришлари мумкин. Шунинг учун, саройдаги барча автомобил-кунлар ўз навбатида  $AK_k = AK_э + AK_{бт} + AK_{тт}$  дан иборат бўлади.

### Автомобил саройининг техник тайёргарлик коэффициенти

Автомобил транспорти саройининг ишга тайёргарлик даражасини аниқланиши учун, техника жиҳатдан саройнинг ишга тайёргарлик коэффициенти ( $\alpha_T$ ) аниқланиши лозим.

Техник тайёргарлик коэффициенти

а) битта автомобилучун календар кунлардагиси

$$\alpha_T = \frac{K_{эТ}}{K_K}$$

б) автомобил саройидаги барча автомобиллар учун бир кунлик

$$\alpha_T = \frac{A_{эТ}}{A_x}$$



в) автомобил саройидаги барча автомобиллар учун календар кунлардагиси

$$\alpha_T = \frac{AK_{\text{эТ}}}{AK_K}$$

### **Автомобил саройидан фойдаланиш коэффиценти**

Автомобилларни техник жиҳатдан ишга тайёргарлик коэффиценти уларнинг техника ҳолатига кўра ишга яроқлигини, яъни бузуқ эмаслигини белгиловчи коэффицентидир. Аммо бундай автомобилларни эксплуатация қилишга зарур бўлган баъзи бирсабабларга кўра ишлатила олмаслик ҳолатлари амалда бўлиб туради. Масалан, ҳайдовчилар, ёнилғи-мой материаллари, автошина, аккумулятор ва шу кабилар ёки йўл ҳолати ва иқлимий шароитлар ва ҳоказо.

Бундай ҳолларда автомобилларни ишга чиқа олмасликлари, одатда, режалаштирилмайди, чунки бундай ҳолатларга зарурат йўқ, аммо улар АС ва бошқа ташкилотлар иши нуқсонлари натижасидир. Шунинг учун автомобиллардан фойдаланишни режалаштиришда ва ҳисоблаб боришда автомобиллар саройидан фойдаланиш коэффиценти кўрсаткичи қўлланилади. Бу коэффицент эксплуатациядаги автомобил-кунлар ( $AK_{\text{э}}$ ) йиғиндисини автомобил-календар кунлар ( $AK_K$ ) йиғиндисига нисбати билан аниқланади.

Автомобил саройидан фойдаланиш коэффиценти

а) битта автомобил учун календар кунлардагиси

$$\alpha_{\phi} = \frac{K_{\text{э}}}{K_K}$$

б) автомобил саройидаги барча автомобиллар учун бир кунлик

$$\alpha_{\phi} = \frac{A_{\text{э}}}{A_X}$$

в) автомобил саройидаги барча автомобиллар учун календар кунлардагиси

$$\alpha_{\phi} = \frac{AK_{\text{э}}}{AK_K}$$

АСда автомобиллардан фойдаланиш коэффицентига яна ҳафталик иш кунлари (5 ёки 6 кун) ёки ҳафта давомида тўхтамасдан 7 кун ишлашлари (йўналишда ишловчи автобуслар учун) катта таъсир кўрсатади.

### **Ўртача кунлик масофа**

Иш куни давомида автобус маълум бир масофани босиб ўтади. Шаҳар йўналишларида ишловчи автобуслар шаҳарлараро йўналишларда ишловчи автобуслар ва такси автомобилларига нисбатан кун давомида камроқ масофа босиб ўтадилар.

Автомобиллар томонидан бажариладиган барча қатновларни унумли ва унумсиз қатновларга бўлиш мумкин. ТВ унумли қатнови иш бажариш билан боғлиқ қатновдан ва унумсиз қатнов, яъни бўш қатновдан иборат бўлади.

Юк автомобилларининг унумсиз қатнов масофаси ўз навбатида бошланғич ва иш нихоясидаги нолинчи қатновдан ҳамда пассажирларни ташиш билан боғлиқ қатновлардан иборат бўлади.

Нолинчи қатнов ( $L_0$ ) дейилганда, АС дан то ҳаракат бошланадиган бекатгача ва сўнгги иш тугаш бекатидан АС гача бўлган қатнов масофаси тушунилади.

$$L_k = L_{\text{пасс}} + L_0, \text{ км}$$

Маълум вақт бирлиги учун кунлик масофа қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$L_k = \frac{\sum L}{K_{\text{иш}}} \text{ км}$$

бу ерда:  $\sum L$  — вақт бирлиги ичида автомобил босиб ўтган умумий масофа, км;

$K_{\text{иш}}$  — иш кунлари сони.

Умумий ҳолда автотранспорт саройи учун бир автомобилга тўғри келувчи ўртача кунлик масофа маълум вақт бирлиги ичида барча автомобиллар босиб ўтган умумий масофани умумий автомобил-кунлар йиғиндисига нисбати орқали аниқланади.

$$l_{\text{к.ўрт}} = \frac{\sum AL}{\sum AK_{\text{иш}}}$$

Бу ерда  $L_{\text{к.ўрт}}$  — бир автомобилнинг ўртача кунлик масофаси, км;  $\sum AL$  маълум вақт бирлиги ичида автосарой барча автомобиллари томонидан босиб ўтилган умумий масофа, км;

$\sum AK_{\text{иш}}$  автомобилларнинг умумий иш кунлари.

### 2.3. Автобусларнинг линиядаги ишини ташкил этиш.

#### Босиб ўтилган йўлдан фойдаланиш коэффиценти

Автомобилнинг унумли масофадан фойдаланиш даражасини белгилашда йўлдан фойдаланиш коэффиценти кўрсаткичидан фойдаланилади. Бу коэффицент автомобилнинг пассажирлар билан босиб ўтган масофасини умумий (кунлик) масофага нисбати билан аниқланади.

$$\beta = \frac{L_{\text{насс}}}{L_r}$$

Автосарой барча автомобиллари учун бу кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

$$\beta = \frac{\sum L_{\text{насс}}}{\sum l_k}$$

Автобуслар учун бу кўрсаткич 0,90—0,93, енгил такси автомобиллари учун 0,80—0,85 атрофида бўлади.

### **Автобуснинг сиғими**

Автобус ва енгил автомобил-таксилар сиғими дейилганда уларда бир вақтда маълум миқдорда пассажир ташиш олиш қобилияти тушунилади. Бунда автомобилнинг конструкциясида кўзда тутилган қулайликларга амал қилиниши лозим.

Автобуслар ва такси автомобиллар техник тавсифида белгиланган ўринлар сони автомобилнинг номинал сиғими деб аталади. Ва уни ишлаб чиқарган завод томонидан белгиланади. Шаҳар ичида ишловчи автобуслар сиғими ўтириш ва тик туриш жойлари сонидан иборат. Автомобил-такси ва шаҳаралараро автобусларда эса сиғим фақат ўтириш жойлари орқали ҳисобга олинади. Бунда ҳайдовчи ва кондуктор учун ажратилган жойлар ҳисобга олинмайди.

Автотранспорт сарой и пассажир сиғими турлича бўлган турли русумдаги автомобиллардан ташкил топганлигини ҳисобга олган ҳолда автобуснинг ўртача сиғими қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Q_{\text{ўрт}} = \frac{\sum A \cdot q_n}{\sum A_x}$$

бу ерда  $\sum Aq_n$ — автотранспорт саройидаги барча автобусларнинг умумий сиғими..

### **Автобус сиғимидан фойдаланиш коэффиценти**

Автобуслар қатъий жадвал асосида ҳаракат қилганлиги сабабли улар сиғимидан нотекис фойдаланилади. Бундан ташқари вақт мобайнида, йўналиш участкалари, тўғри ва орқа йўналишларда пассажирлар оқимининг нотекислиги автобуслар сиғимидан нотекис фойдаланишга олиб келади.

Автобуслар сиғимидан фойдаланиш даражасини белгилашда автобус сиғимидан фойдаланиш коэффиценти ишлатилади. Автомобил-таксилар иш унуми ҳақ тўланувчи масофа орқали аниқланганлиги учун унда бу коэффицент ҳисобга олинмайди.

Автобус сиғимидан фойдаланиш статик коэффиценти амалда ташилган пассажирлар сонини автобус сиғимига нисбати билан аниқланади.

Бир рейс учун автобус сиғимидан фойдаланиш коэффиценти:

$$\gamma_{ст} = \frac{Q_{амал}}{q_n};$$

Кун давомида бу коэффицентнинг ўртача миқдори қуйидагича аниқланади:

$$\gamma_c = \frac{Q_k}{q_c \cdot \eta_{алм} \cdot Z_p}$$

Автобус сифимидан фойдаланиш динамик коэффиценти амалда бажарилган транспорт ишини бажарилиши лозим бўлган транспорт ишига нисбати билан аниқланади

$$\gamma_o = \frac{\sum Q_{амал} \cdot l_{ўртал.ўл}}{q_n \sum L_k}$$

Автобус сифимидан фойдаланиш коэффиценти муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланиб, у автобус иш унумдорлигига катта таъсир кўрсатади. Автобус сифимидан фойдаланиш коэффиценти қанча юқори бўлса, унинг иш унуми ҳам шунча юқори бўлади. Лекин бу коэффицентнинг юқори бўлиши пассажирларни ташиш шароитининг ёмонлашишига олиб келади. Эрталабки ва кечки рейсларда автобус сифимидан фойдаланиш даражаси жуда паст бўлади, лекин бу рейслар албатта бажарилиш лозим. Унинг ўрни эрталабки ва кечки пассажирлар оқими тифиз бўлган вақтлар билан тўлдирилади. Транспортжараёнини тўғри ташкил эти шва пассажирларга маълум қулайликларни таъминлаш учун бу кўрсаткич шаҳар автобус йўналишларида 0,5—0,6 атрофида бўлиши лозим.

Шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўналишларда автобуслар ҳаракат жадвали асосида ишлаганлиги учун бу кўрсаткич 0,70—0,75 ни ташкил этади.

### Ўртача кунлик босиб ўтилган масофа

Автобуснинг кунлик босиб ўтган масофаси унумсиз масофа  $l_n$  дан, бу эса ўз навбатида нолинчи, яъни автосаройдан ҳаракат бошландиган биринчи бекатгача ва иш тугагач, охири бекатдан автосаройгача бўлган масофалардан ҳамда бўш масофа (масалан такси автомобилнинг пассажирларларсиз қатнов масофаси) дан иборат. Умумий кунлик масофа эса қуйидаги формула орқали аниқланади

$$L_k = L_{пасс} + l_n, \text{ км}$$

бу ерда:  $L_{пасс}$  — пассажирлар билан босиб ўтилган масофа, км.

Среднесуточный пробег одного автомобиля за какой-либо отрезок времени можно определить из следующей зависимости:

$$L_k = \frac{\sum L}{K_{ши}} \text{ км}$$

бу ерда:  $\sum L$  — маълум вақт бирлиги ичида автомобилнинг босиб ўтган масофаси, км;

$K_{ши}$  —  $\sum L$  км масофани босиб ўтиш кунлари.

Автотранспорт саройи учун бита автомобилнинг ўртача кунлик босиб ўтган масофаси маълум вақт бирлиги ичида барча автомобиллар босиб ўтган

умумий масофани барча автомобиль-кунлар йиғиндисига нисбати билан аниқланади

$$L_{\kappa} = \frac{\Sigma AL}{AK_{\text{ум}}}$$

### **Босиб ўтилган масофадан фойдаланиш коэффициенти**

Автобуслар унумли босиб ўтган масофасини характерловчи кўрсаткич масофадан фойдаланиш коэффициенти ( $\beta$ ) деб аталади ва у пассажирлар билан босиб ўтилган масофани кунлик умумий масофага нисбати билан аниқланади.

$$\beta = \frac{L_{\text{нас}}}{L_{\kappa}}$$

Автосарой барча автомобиллари учун ўртача масофадан фойдаланиш коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$\beta = \frac{\sum L_{\text{нас}}}{\sum l_{\kappa}}$$

Автобуслар учун бу кўрсаткич 0,90—0,93, такси автомобиллари учун эса 0,80—0,85 атрофида бўлади.

### **Автобуслар сиғими**

Автобуслар ва такси автомобиллари сиғими дейилганда уларга бир вақтда қанча пассажир сиғиши тушунилади.

Автомобиллар техник тавсифида белгиланган автобус ёки такси автомобилидаги ўринлар сони унинг номинал сиғими  $q_n$  деб аталади. Шаҳар маршрутларида автобуслар сиғими ўтириш ва тик туриш жойлари сонидан, шаҳаралараро маршрутларда, туристик ташишларда фақат ўтириш жойлари сонидан иборат. Бунда ҳайдовчи ва кондуктор сони ҳисобга олинмайди.

Автосаройларда турли русумдаги автобуслар ишлашини ҳисобга олиб ўртача сиғим қуйидагича аниқланади:

$$Q_{\text{ўрт}} = \frac{\sum Aq_n}{\sum A_x}$$

бу ерда:  $\sum Aq_n$ — автосаройдаги барча автобуслар умумий сиғими.

### **Автобус сиғимидан фойдаланиш коэффициенти**

Автобус сиғимилан фойдаланиш даражасини белгилашда сиғимдан фойдаланиш статик ва динамик коэффициентлари ишлатилади. Автобус сиғимидан фойдаланиш статик коэффициенти амалда ташилган пассажирлар сонини унинг номинал сиғимига нисбати билан аниқланади:

$$\gamma_{ст} = \frac{Q_{амал}}{q_n}; \quad \gamma_{ст} = \frac{Q_k}{q_n \cdot \eta_{алм} \cdot Z_p}$$

Автобус сиғимидан фойдаланиш динамик коэффициентини аниқлашда пассажирлар босиб ўтган масофаси ҳам эътиборга олинади:

$$\gamma_o = \frac{\sum Q_{амал} \cdot l_n}{q_n \sum L_{ум}}$$

бу ерда:  $l_n$ —бир пассажирнинг ўртача қатнов масофаси, км;  $\sum Q_{амал} l_n$ —вақт бирлиги ичида бажарилган транспорт иши (ой, квартал, йил), пасс-км;  $L_{ум}$ —автобуснинг умумий босиб ўтган масофаси, км;  $q_n \sum L_{ум}$ —бажарилиши лозим бўлган транспорт иши, пасс-км.

### Автобусларнинг ишдаги ва маршрутдаги вақтлари

Автобуснинг иш вақти ( $T_{иш}$ ) соатларда ўлчаниб, автомобилнинг АТС чиқиб, яна унга қайтиб келгунча вақтини билдиради.

Автобуснинг иш вақти унинг маршрутда ишлаш вақти ва нолинчи қатнов вақтлари йиғиндисидан иборат:

$$T_{иш} = T_m + t_o, \text{ соат.}$$

Маршрут вақти қуйидагича аниқланади:

$$T_m = T_x + T_{об} + T_{охб} + T_{бт}, \text{ соат}$$

бу ерда:  $T_x$  – автобуснинг ҳаракат вақти;

$T_{об}$  – оралиқ бекатларда тўхташ вақти;

$T_{охб}$  – охириги бекатда туриш вақти;

$T_{бт}$  – ҳар хил сабабларга кўра туриб қолиш вақти.

### Пассажирнинг ўртача қатнов масофаси

Пассажирнинг ўртача қатнов масофаси рейс давомида барча пассажирлар босиб ўтган масофани пассажирлар сонига нисбати билан аниқланади:

$$l_{урт} = \frac{L_{пасс}}{Q}; \text{ км}$$

Кўпчилик шаҳарлар учун бу кўрсаткич 4,2—5,0 км атрофида бўлиб, йил фасллари учун ўзгармас ҳисобланади.

### Пассажирлар алмашув коэффициенти

Бу кўрсаткич бир қатнов давомида автобус саломида неча марта пассажир алмашганлигини кўрсатади:

$$\eta_{алм} = \frac{Q_p}{q_n}$$

бу ерда:  $Q_p$ —рейс давомида ташилган пассажирлар сони;  $q_n$ —автобуснинг номинал сигими. Коэффициент 1,2 – 5 атропофида бўлади.

Бу кўрсаткични маршрут узунлиги  $L_m$  ни бир пассажирнинг ўртача қатнов масофаси  $l_{урт}$  га нисбати билан ҳам аниқлаш мумкин:  $\eta_{алм} = \frac{L_m}{l_{урт}}$

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ҳайдовчилар иш жойининг тузилиши
